

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**



Магистратура бўлими

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК:622.276**

Сиддиқов Ғиёсиддин Одилович

**Шўртаннефтваз ушк чиқиндиларнинг таҳлили ва қайта
фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш.**

**Мутахассислик: 5A630101-Атроф муҳит муҳофазаси
(Саноат корхоналари бўйича)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар

_____ т.ф.н., доц. Мусаев М. Н

« ____ » _____ 2014 йил

Қарши- 2014

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Атроф муҳит ҳимояси ва экология»
кафедраси мудири
_____ **т.ф.н., доц. Ш.О.Мурадов**
« _____ » _____ **2012 йил**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА
РЕЖА –ТОПШИРИҚЛАР

Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти Магистратура Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Атроф муҳит ҳимояси ва экология» кафедраси бўйича «Шўртаннефтгаз УШКдан чиқаётган чиқиндиларнинг таҳлили ва қайта фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги магистрлик диссертацияси, т.ф.н., доц. М.Н.Мусаев илмий раҳбарлигида АММ-530 гуруҳ магистратура талабаси Сиддиқов Ғиёсиддин Одилович томонидан тугалланган ҳолда *2014 йил 29 майда* «Атроф муҳит ҳимояси ва экология» кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилсин.

Тадқиқот ишида корхонанинг бир неча йиллик ҳисоботлари, статистик маълумотлари, ҳукуқий ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилади.

Ишда ҳисоблаш жадваллари, шаклий схемалар ва чизмалар берилиши кўзда тутилади

Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш жадвали

I боб. «Шўртаннефтгаз» УШК ҳудудининг табиий-географик ва иқтисодий тавсифи. 2012 йил ноябрь, 2013 йил апрель ойида

II боб. «Шўртаннефтгаз» УШКнинг технологик жараёнлари ва чиқинди манбаларини аниқлаш.

2013 йил май-октябрь ойида

III боб. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида табиий газни тозалаш технологиясини такомиллаштириш 2013 йил ноябрь, 2014 йил апрель ойида

IV боб. “Шўртаннекфтгаз” УШК табиий газларини тозалаш техноллогияларини экологик ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш. 2014 йил апрель ойида

Диссертацияни «Атроф муҳит ҳимояси ва экология» кафедрасида 2014 йил 29 майда ўтган дастлабки ҳимоясида илмий раҳбар томонидан берилган топшириқлар:

Топшириқлар қабул қилинди: _____

(талабанинг имзоси, сана)

Мундарижа

КИРИШ	4
I боб. “ШЎРТАННЕФГАЗ” УШК ҲУДУДИНИНГ ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ	
1. Ҳудудни табиий географик твсифи.....	8
2. Ер ресурслари.....	8
3. Сув ресурслари.....	11
4. Атмосфера ҳавоси.....	11
5. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.....	15
6. Корхонани иқтисодий курсаткичлари.....	16
7. Асосий иқтисодиёт тармоқларининг таҳлили.....	16
I боб бўйича хулоса	17
II боб. “ШЎРТАННЕФТГАЗ” УШКНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁЛАРИ ВА ЧИҚИНДИ МАНБАЛАРИНИ АНИҚЛАШ	
1. Корхонанинг асосий технологик жараёнлари.....	18
2. Корхонада чиқинди чиқараётган цехларни таҳлили.....	31
3. Корхонадан чиқётган чиқинди миқдорини таҳлил қилиш.....	35
4. Корхонадан чиқётган қаттиқ чиқиндиларни таҳлил қилиш.....	37
5. Корхонадан чиқётган газ ҳолатдаги чиқиндиларни таҳлил қилиш.....	39
6. Корхонадан чиқётган суюқ ҳолатдаги чиқиндиларни таҳлил қилиш.....	47
II боб бўйича хулоса	50
III боб. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТАБИЙ ГАЗНИ ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
1. Табиий газни тозалаш технологияларини таҳлили.....	51
2. Табиий газдан водород сульфидни тозалаш технологиясини такомиллаштириш	54
3. Ишлатилган цеолитни атроф муҳитга тасирини ҳисоблаш ва қайта фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш.....	60
III боб бўйича хулоса	56
IV боб. “ШЎРТАННЕФТГАЗ” УШК ТАБИЙ ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН БАҲОЛАШ	
1. Корхонадан чиқётган қаттиқ чиқиндиларни экологик ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.....	67
2. Корхонадан чиқётган суюқ ҳолатдаги чиқиндиларни экологик ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.....	70
3. Корхонадан чиқётган газ ҳолатдаги чиқиндиларни экологик ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.....	74
4. Ишлаб чиқаришда чиқётган барча чиқиндиларни экологик ва иқтисодий баҳолаш	77
IV боб бўйича хулоса	79
Якуний хулоса	80
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	81
ИЛОВА	87

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Дунё миқёсида аҳоли сонининг тез суратларда усиши, табиий ресурсларга бўлган талабни ортишига олиб келди. Бу муоммонинг ягона ечимига, табиий ресурслардан фойдаланиш ва қайта ишлашда ундан чиқаётган чиқиндилар миқдорини камайтириш, чиқиндилардан иккиламчи маҳсулот сифатида қайта фойдаланиш орқали эришиш мумкун. Чиқиндилардан фойдаланиш муомоси дунё миқёсида шунинг билан бирга бизнинг республикамызда ҳам бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муомолардан биридир, бунинг исботини, Ўзбекистон республикаси чиқиндилар туғрисидаги қонуннинг (2002. 05.IV) 2,15- моддаларида белгиланган, тартибда куришимиз мумкун. Биз чиқиндилардан иккиламчи маҳсулот сифатида фойдалансак табиий ресурслардан самарали фойдаланган, келажак авлодни ҳамм эртанги талабини ўйлаган буламиз

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.

“Шўртаннефтгаз унитар шўба корхонаси”тадқиқот обекити.

“Шўртаннефтгаз унитар шўба корхонаси”дан чиқаётган чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Шўртаннефтгаз унитар шўба корхонасини тупроғи суви атмосферасини ҳолатини урганиш тахлили, корхонада чиқинди чиқараётган цехларни ишлаш жараёни ва чиқинди чиқараётган нукталарини тахлил қилиш шунинг билан бирга чиқинди таркибини ўрганиб чиқиш дунё тажрибаларга асосланиб, замонавий модернизциялашган чиқиндидан қайта фойдаланиш технологиясини техник таклиф қилиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари:

1.Тадқиқотнинг асосий масалалари Шўртаннефтваз УШКни атмосфераси, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси ва корхонадан атроф-муҳитга ташланаётган чиқиндилар миқдорини таҳлил қилиш;

2.Корхонани ишлаш жараёнида, чиқинди чиқараётган асосий қурулмаларни атроф-муҳитга ташлаётган чиқиндилар миқдорини ҳисоблаш;

3.Корхонадан чиқётган чиқиндиларни ҳар бир чиқинди қурулишида алоҳида-алоҳида (қаттиқ, суюқ, газ ҳолатида) ҳисоблаш;

4.Чиқиндиларни айрим қисмларини камайтиришни замонавий усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг фаразлари:

1.Тадқиқотнинг фаразлари Шўртаннефтваз УШКдан чиқётган чиқиндилар миқдорини камайтириш орқали, корхонани атроф-муҳитини мусавватлигини таъминлаш ва иқтисодиётини юксалтириш зарур;

2. Юқоридаги фаразни бажариш мақсадида, Корхонадан чиқётган чиқиндиларни таркибида импорт салоҳияти йўқори бўлган маҳсулот цеолит чиқиндиларидан қайта фойдаланишни регенерация усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим;

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Цеолитлар ва қаттиқ чиқиндилар уларнинг турлари, таркиби, тузулиши ҳақида дастлаб С.П.Жданов, Е.А. Егорова Д [7,12], Э.Э.Сендеров Н.И.Хитаров [18],Д.В.Брек [17,20], Қ.Ҳ.Исмамов [21,29], О.А.Эшмурапов[76], Г.Ш.Атукова [10,11,12,13,14,], Г.Ш.Атукова, К.А.Ибрагимов, О.А.Эшмурадов[46-54], М.П.Юнусов, Х.М.Махкамов, И.В. Прездренко, Ю.И.Кочуренко, О.А.Эшмурапов [21-28], кабилар ўз асарларида цеолитларнинг таркиби, тузулиши ва нефт-газ соҳасида адсорбент сифатида цеолитлардан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. «Шўртаннефтваз» УШК чиқиндиларидан қайта фойдаланишнинг регенерация

усулини жорий қилиш натижасида корхонада чиқинди миқдори камаяди, корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ошади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. «Шўртаннефтваз» УШК чиқиндилардан қайта фойдаланишнинг замонавий регенерация усулини жорий қилиш технологияларини модернизациялаш тавсия этилди, унинг самарадорлиги аниқланди бошқа газни қайта ишлаш корхоналарида ҳам фойдаланиш мумкинлиги ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Шўртаннефтваз унитар шубба корхонасидан чиқаётган чиқиндиларни таркибини урганиб чиқиб чиқиндидан қайта фойдаланишни замонавий усули яратилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Илмий иш кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. “Шўртаннефтваз” УШК ҳудудининг табиий-географик ва иқтисодий тавсифи.

1. Ҳудуднинг географик тавсифи

Бугунги кунда дунёда аҳоли сонининг тез суратда ўсиши, аҳоли истеъмолининг ошишига ва табиий ресурсларга, булган талабнинг ошишига олиб келади. Дунё миқёсида табиий ресурснинг камайиши истеъмол бозорида табиий ресурс нархининг ошишига олиб келди. Бу масалани ечилишини узоқ уйлаган дунё олимлари бир технологияни яний чиқиндидан қайта фойдаланиш технологиясини яратишга ўз эътиборини қаратмоқда.

Ғузур тумани 1926 йил 29-сентябрда ташкил этилган. --- Қамашчи Чироқчи, шаҳридан Деҳқонобод Ғарбдан Қарши ва Нишон туманлари жанубдан 25 км масофада Туркменистон билан чегарадош майдони 2.62 минг км² аҳолиси 150 минг кишидан туманда бир шаҳар Ғузур шаҳри 12 қишлоқ фуқаролари йиғини

Табиати Ғузур тумани Қашқадарё билан жанубий шарқида Қашқадарёни ўрта оқимида Ғузур дарё хавзаси Ғузур адирлари ва тоғ олди қия текисликларида жойлашган, Ҳисор тоғларининг энг чека жанубий ғарбидаги тармоқлари бўлган Лангар тоғларининг ўртача баландлиги 800-850 м . Пачкамар сув омбори соҳиларидаги бу паст тоғлар шимолий –шарқдан жанубий-ғарбга йўналган, ён бағрлари ясси бўлиб, мутлоқ баландлиги 430-750 м бўлган Ғузур адирларига туташиб ўртача йиллик температура 16 °С – январнинг ўртача температураси-19°С июлнинг ўртача температураси 26.6°С энг юқори температура 46° С ўртача йиллик ёғин 285 мм. Ёғнинг асосий қисми баҳор ва қиш фаслларида ёғади. Вегетация даври 272 кун.

2. “Шўртаннефтваз ” УШК ер ресурслари

“Шўртаннефтваз ” УШК Қашқадарё вилоятининг жанубий қисмида жойлашган, Ғузур туманинг ҳудудининг ғарбий тарафида бўлиб Ғузур туманидан 30 км узоқликда бўлган ҳудудда жойлашган заводнинг ишлаб чиқаришга қаратилган ер майдони 170.2 гани ташкил этади. 1986 йил 2

ноябрдан иш бошлаган. Ёрдамчи цех ва конлар билан қушиб ҳисоблаганда 713.16 га ни ташкил қилади.

Ғузор тумани ва унга туташ Қамаш, Қарши ва Нишон туманлари доирасида катта захирага эга бўлган газни ва газ конденсатили ётқизиклар. Ўзбекистондаги 5 та нефт ва газни регионининг энг бойи Ҳисор олди ҳудудни ташкил этади.

“Шўртаннетфгаз” УШК да шу кеча - кундузда корхонада 40 дан ортик хизмат ва бўлим ҳамда 50 дан ортик цех фаолият кўрсатмоқда.

Корхона “Ўзбекнефтгазқазибчиқариш” Акционерлик компанияси таркибига кириб “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг асосий ишлаб чиқариш бўғинларидан биридир. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлари Республикада ишлаб чиқарилаётган ва қазиб олинаётган нефт ва газ маҳсулотларининг қўйидагича улушини ташкил этади.

-Табиий газ қазиб чиқаришда 33 % суюқ карбонсувчилар (углеводородлар) ишлаб чиқаришда 25 % суюлтирилган газ ишлаб чиқаришда 60 % Олтингугурт 18%. Корхонада ҳаво температураси қишда ҳам ўзгарувчан характерга эга бўлиб ҳавонинг намлиги ўрта юқори бўлмайди. Қишда ҳаво намлиги 58-76 % гача , ёзда 28%- 34 % ни ташкил қилади. Баҳор ва куз ойларида шамол тезлиги ўзарувчан характерга эга. Ёз ойларида температуранинг кунлик ҳолати 38.1^0 % ни ташкил этади.

“Шўртанефтгаз ” УШКнинг
Асосий цехларнинг ер майдони

№	Цехлар конлар номи	Ер майдонига ҳисобда
1	Қайта ишлашда фойдаланадиган асосий цехлар	109.25
2	Тошли	253.57
3	УППГ-1	42.8
4	УППГ-2	35.6
5	Товарний парк	38.9
6	Ғармистон	39.6
7	Тандирчи	25.3
8	Бузахўр	50.15
9	Янги Қоратепа	30.48
10	Феруза	2.9
11	Шимолий Шўртан	20.1
12	Дехқонобод	22.5
13	ДКС	15.94
	Итого	713.16

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёрдамчи цехлар

№	Цехлар номи	Ер майдони га ҳисоб
1	Сув тозалаш иншооти	30.33
2	Сувни тақсимлаш цехи маркази	3.96
3	База	42.09
4	Гараж	2.1
5	Тракторний цех	12.82
6	Қайта таъмирлаш	7.17
7	Мармар цехи	87.8
8	Чиқинди ташланадиган майдон	1.62
	Жами	187.6

“Шўртаннефтваз” УШК сининг ер майдони барча ишлаб чиқаришда фойдаланидиган цехлар ва ёрдамчи цехлар билан бирга 1151.4 ани ташкил этади.

3. Сув ресурслари.

“Шўртаннефтваз” УШК га сув қуйидаги эҳтиёжлар учун керак:

-технологик ва суғориш эҳтиёжлари учун;

-маиший хўжалик эҳтиёжлари учун;

-“Шўртаннефтваз” УШК сувни асосан Шўртан газ кимё мажмуасига қарашли сув ҳавзасидан корхонамизга сув ҳайдаб бериш учун, 2 та махсус сув ҳайдаш (1-дона ЦНС 300/240 русумли, 1-дона ЦНС300/180 русумли) насослари ёрдамида соатига $300\text{ м}^3/\text{соат}$ миқдорида $172\text{--}800\text{ м}^3/\text{соат}$ махсус сув қувурлари орқали ҳайдаб олинади. Маиший оқова сувлари ва қатлам сувларини механик усулда тозалаш қурилмалари Саратов шаҳридаги "ВНИПИ газ қазиб чиқариш" институти томонидан лойиҳалаштирилган. Қурилмани биринчи навбати - 1985 йилнинг III чорагида ишга туширилган. Саноат оқова сувларини тозалаш учун мўлжалланган механик тозалаш қурилмасини биринчи навбати қуввати-1200 м/к-к га, Механик усулда оқова сувларни тозалаш қурилмасининг иккинчи навбати қуввати эса-2700 м/к-к га ва биологик усулда маиший оқова сувларни тозалаш қурилмасининг умумий қуввати $400\text{ м}^3/\text{к-к}$ ($200\times 2\text{--}400\text{ м}^3/\text{к-к}$) ни ташкил этади.

4. Атмосфера ҳавоси

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг сифат ва миқдорини таркиби шаклланишида табиий ифлослантирувчи манбалар каби антропогенф ифлослантирувчи манбалар ҳам катта рол ўйнайди.

Ўзбекистон ҳавосининг асосий антропоген ифлослантирувчилари олтингугурт оксиди, азод, углерод, оксидлари ва келиб чиқиши трулича бўлган каттиқ муаллоқ заррарлар ҳисобланади.

Атмосфера ташланаётган турли хил бирикма қуринишдаги газларнинг ташланиши атмосфера ҳавоси таркибининг бузулишига яъни ҳаво таркибидаги кислород ва азот газларнинг концентрацияси пасайиб у

газларнинг ўрнига углерод, азот, олтингугурт оксидларнинг жойлашиб қолишига бу эса ўз навбатида ушбу муҳитни, ўсимлик ҳайвонот шу билан боғлиқ ҳолда атмосферада температуранинг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Атмосфера ташланган ташланмаларни саноатнинг асосий тармоқари бўйича муҳокама қиладиган бўлсак, бу 4.1- жадвалига келтирилган.

Асосий саноат ташланмаларининг миқдори.

4.1-жадвал

Саноатнинг асосий тармоқлари номи	Ташланмаларнинг улуши %
Энергетика	33
Нефт ва газ саноати	31
Металлургия	22
Комуннал хўжалиги	7
Кимё саноати	6
Қурилиш саноати	1

Бу жавдалидан кўриниб турибдики атмосфера ҳавосини ифлослашда энергетика саноатидан кейинги ўринда нефть ва газ саноати киради.

Ёқилғи энергетика кундан- кунга талабнинг ортиши нефть ва газ захирасидан фойдаланиш ва уни қайта ишлаш самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Нефт ва газ захирасини қазиб олишда нефть ва газ таркибида иқтисодий жиҳатдан қайта ишлашга самарасиз бўлган NO , N_2O , NO_2 , SO , SO_3 , H_2S каби газлар учрайди. Бу газларнинг миқдори атмосфера ҳавоси таркибида оз-оздан йиғилиб рухсат этилган кўрсаткичдан ошиб кетиши мумкин. “Шўртаннефтгаз” УШКнинг атмосферага ташланган газ, чанг, қурум ҳолдаги ташланмаларни бир йиллик куриштишини қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Шўртаннефтваз УШКни ташланма тури ва миқдори

4.2-жадвал

Модда номи	Ташланма ҳисоби, кг/йил
Қурум	17.754867
Темир оксиди	0.222607
Марганец икки оксид	0.016282
Кремни икки оксид	0.014928
Фторид бирикмаси	0.014928
Нефторганик чанг	17.311853
Сульфат кислота	0.000250
Металчанги	0.198778
Маиший чанг	0.018044
Дарахт чанги	0.035000
Цемент чанги	2.018245
Углерод оксиди	4390.84777
Метан	58.549036
Азот оксиди	341.830240
Азот икки оксиди	1602.73
Отингугурт икки оксид	9531.64
Углеводородлар	8430.4
Меркалман	0.000060
Водород сульфед	5.343
Водород фторид	0.019
Ксилол	0.313
Сперт	0.313
Бутан	1072.05
Алдигедлар	0.01

Атмосферага ташланадиган чиқиндилар

Атмосферага ташланадиган чиқиндиларнинг ҳам рухсат этилган концентарцияси мавжуд газларни ва буғларни рухсат этилган концентарциясини келтирамиз.

Ташланмаларни рухсат этилган миқдори

4.3 - жадвал

Буғ газлар номи	Рухсат этилган концентарцияси мг/м³
Метан	300
Этан	300
Пропан	300
Бутан	300
Пентан	300
Гексан	300
Гептан	300
Изобутан	300
Бензол	5
Изоментон	300
Амиак	20
Этилен	-
Метил сперт	5
Этил сперт	1000
Пропил сперт	10
Серо углерод	10
Ацетон	200
Токуол	50
Ксилол	50
Нам олтингугурт	10

Углерод оксиди	20
Дихлар этан	10
Водород	-
Нефть 180⁰ С гача кайнайдиған фракция	300
Керосин	300
Бензин авиац А-70	100
Олтингургуртли ангидрид	10

Бундан 4.2- жадвал билан 4.3- жадвални бир-бирига таққосласак баъзи бир моддалар рухсат этиладиган миқдоридан 1000-2000 мартаба кўп ташланади. Бу моддаларнинг Атмосферага ташланишини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 27- декабрда Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Бугунги кунда атмосфера ҳавосига ташланаётган чиқиндиларни камайтириш мақсадида “Шўртаннефтгаз” УШК да ҳам 1996 йили газдан олтингургурт олиш қурилмаси ишга туширилди. Йилига 14 минг тн/ йил миқдорида олтингургурт ажратиб олинади.

5. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

Ғузур адирларига туташиб ўртача йиллик температура 16 °С –январнинг ўртача температураси-19°С июлнинг ўртача температураси 26.6°С энг юқори температура 46 С ўртача йиллик ёғин 285 мм. Ёғнинг асосий қисми баҳор ва қиш фаслларида ёғади. Вегатация даври 272 кун.

Ёввойи ўсимликлардан текистлиларда асосан қорамашоқ, қунғирбош, қора шўра , чалов нухатан астаран, янтоқ юлғун ўсади.

Ёввови ҳайвонлардан тўлки бўри, қуённинг чиябўри паррандалардан- чумчуқ, краға, бедана, мусича , калхат, чил, кемирувчилардан сичқон, каламуш , юмранқозик.

Судралиб юрувчилардан турли заҳарли ва заҳарсиз илонлар, эчкиэмар, калтакесаклар, сув ҳайвонларидан сазан, лаққа, қорабалиқлар учрайди. бор.

6. Корхонани иқтисодий кўрсаткичлари

Инсон яралибди унинг ҳар бир ҳаракатнинг замирида “манфат” деган тушунча ётади. Бу манфаатлар бирлашиб бугунги кунда “Иқтисодий манфатлар” деган тушунчани илгари сура бошлади. Ишлаб чиқаришни қайта ишлашни “қишлоқ хўжалигими барча барчасиннинг” охирида иқтисодий манфаатларни сарҳисоб қиладиган нарса иқтисодий кўрсаткичлар ётади.

Ахир бирон бир мамалакатнинг тараққиётининг иқтисодиётсиз тасаввур қилиб бўлса, ахир ҳар қандай мамалакат ёки жамиятнинг ҳар бир буғуни ўз иқтисодиётни сарҳисоб қилган ҳолда иш юритади “Шўртаннефтвергаз” УШК 1980 йилдан бошлаб ишлаб келмоқда. Бундан ташқари корхонамизда 8-турдаги маҳсулот сотади ва 15 турдаги маҳсулот сотиб олинади. Корхонани иқтисодий кўрсаткичлари деганда унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини сотиш баҳоси ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб оладиган маҳсулотлари миқдорининг баҳоси тушунилади.

7. Асосий иқтисодиёт тармоқларининг таҳлили

“Шўртаннефтвергаз” УШК бугунги кунда 8-турдаги маҳсулотни ишлаб чиқади ва бу маҳсулотнинг баҳоси. “Шўртаннефтвергаз” УШКсининг 2014 йилда ишлаб чиққан маҳсулотларига эътибор берадиган бўлсак корхона бир йилда:

- табиий газ 14952,1 млнм³
- сотиладиган газ 14752,4 млнм³
- барқарорлашмаган кондецат – 468,8 млнг т
- товарний кондецат – 292,6 млнг т
- суюлтирилган табиий газ – 113 млнг т
- нефт – 284 млнг т
- олтингурут – 5 млнг т ишшлаб чимқади

Корхонани сотиб олган маҳсулотларини ҳисобласак иқтисодий жиҳатдан

1) сотинфдаги газ табиий газ

$14952,1 \cdot 10^6 \cdot 19,91 = 297,702$ млрд сўм.

2) суюлтирилган газ

$$113 \cdot 10^6 \cdot 303,3067 = 34,274 \text{ млрд сўм}$$

3) барқарорлашмаган конденцат

$$468,8 \cdot 10^6 \cdot 23,750 = 11,134 \text{ млрд сўм}$$

4) барқарорлашган конденцат

$$292,6 \cdot 10^6 \cdot 186,230 = 54,491 \text{ млрд сўм}$$

5) нефть

$$284 \cdot 10^6 \cdot 186,230 = 52,889 \text{ млрд сўм}$$

6) олтингугурт

$$5 \cdot 10^6 \cdot 29,755 = 148,8 \text{ млн сўм}$$

7) сотиладиган газ

$$14752,4 \cdot 10^6 \cdot 30,95083 = 456,599 \text{ млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқади}$$

Жами ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг нархи

I боб. Хулоса.

1. “Шуртаннефтгаз” УШК нинг жойлашган худуди табиий, ҳолатини иқлим ўзгаришини ҳисобга олиб такроран ўзгартириш талаб этади.

2. Корхона иқтисодиётини катта қисмини газни Экспорт қилиш эвазига кўтармоқда фақат газни қайта ишлаш учун сотиб олаётган баъзи бир моддалар корхона иқтисодиётига жиддий зарар келтираётганига амин бўлдик.

3. Биз чет давлатдан олиб келинаётган маҳсулотларни камайтириб бу маҳсулот ўрнига ўзимизда мавжуд минераллардан фойдаланиш ёки иложи борица ушбу маҳсулотни чиқинди ҳолатини қайта тиклаб фойдаланишдан иборат.


II. боб “Шўртаннефтгаз” УШК нинг технологик жараёнлари ва чиқинди манбаларини аниқлаш.

Корхонанинг асосий технологик жараёнлари.

Газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси ҳақида

-қурилма 31.10.1980 йилда ишга тушган;

Кудуклардан чиққан газ шлейфлар орқали (лойиҳа бўйича кудук бошида босим 121 кгс/см^2) йиғиш жойлар(ЙЖ)и ёки батарея(БТ)ларга узатилади ва ердан махсус қувурлар орқали “1,2-газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси (ГДТҚ-1-2-навбати) 1-2- навбати” кириш тармоқлари мажмуасига узатилади.



Газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси

“1-газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси”(1-ГДТҚ) да ҳар бирини лойиҳавий қуввати **-3,0** млн.м³ га тенг бўлган 10 та газ ажратгич(сепаратор)лари бўлиб, бу ерда газ бир босқичли ажратгич(сепаратор)дан ўтади.Қурилманинг умумий газ ўтказиш қуввати**-8,0** млрд.м³/йил ни ташкил этади.

1-газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси”(1-ГДТҚ)ни кириш тармоқлари иккинчи навбатидаги 6 та ажратгич(сепаратор)лар эса Шўртан конига қарашли 46 та газ кудукларидан келаётган нотоза газларни қабул қилмоқда. Қурилмада ажратгичлар(сепаратор)да қисман суюқлик ва механик бирикмалардан тозаланган нотоза табиий газ 34 кгс/см^2 босим ва 60°C ҳарорат

билан Шўртан сиқув компрессор станцияси (Шўртан СКС)ни киришидаги ажратгичлар (сепаратор)ни киришига узатилади.Шўртан Сиқув компрессор станцияси(Шўртан СКС) да, босим керакли даражагача ($85-88\text{кгс/см}^2$) кўтарилган нотоза табиий газ “Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари-3/4 - навбати” (ПХАҚ-3/4) ни киришига узатилади. ($P_{\text{кпр.}}=86,5\text{ кгс/см}^2$, ҳарорати= $54-60^{\circ}\text{C}$).

Шўртан Сиқув компрессор станцияси

Шўртан сиқув компрессор станцияси 2003 йилда ишга тушган бўлиб, лойиҳа бўйича “1,2-Газни дастлабки тайёрлаш қурилмалари” (1,2-ГДТҚ) дан келаётган $27-28\text{ кгс/см}^2$ босимли газни $100-110\text{ кгс/см}^2$ га кўтариб беришга мўлжаллангандир. Шўртан сиқув компрессор станцияси ҳозирги кунда қатламларда босим тушиши оқибатида киришда босим $27-28\text{ кгс/см}^2$ га тушганлиги сабабли, чиқишдаги босимни $86-88\text{ кгс/см}^2$ гача кўтариб, $45-50^{\circ}\text{C}$ ҳарорат билан бош иншоатдаги “Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари 3/4- навбати” кириш тармоқлари мажмуасига узатади. Шўртан Сиқув компрессор станциясини йиллик лойиҳавий қуввати $13,5\text{ млрд. м}^3/\text{йил}$ ни ташкил этади (3 та ишчи, 1 та заҳирада).

Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари (ПХАҚ) ҳақида

- ПХАҚ -1985 йил I чоракда ишга туширилган;

ПХАҚ лойиҳавий қуввати- $12,5\text{ млрд. м}^3/\text{йил}$ га тенг бўлиб, ҳозирги кунда қурилмада 9- технологик тармоқ ишлаб турибди. Қурилмада ишлаб турган технологик қаторларни лойиҳавий қуввати қуйидагича: Ҳозирги кунда киришда босим «регламент»даги 100 кгс/см^2 ўрнига $85-86\text{ кгс/см}^2$ га, ҳарорат эса регламентдаги 58°C ўрнига $55-65^{\circ}\text{C}$ га тенгдир. ПХАҚдан чиқишда ҳарорат $40-45^{\circ}\text{C}$ ни, босим эса $52-50\text{ кгс/см}^2$ ни ташкил этади. Шўртан сиқув компрессор станциясидан келаётган нотоза табиий газ, 86 кгс/см^2 босим ва $60-62^{\circ}\text{C}$ ҳарорат билан, биринчи босқич ажратгич (сепаратор)ига узатилади.Бу ажратгич(сепаратор)га киришда ўрнатилган “завихрител” ёрдамида газни

айланма ҳаракатга келиши ва қувурдан идишга киришда сийракланиш ҳосил бўлиши ҳисобига қисман суюқлик томчилари, механик бирикмалардан тозаланади. “Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари”даги С-1201 ларда ажралиш худди “Газни дастлабки тайёрлаш қурилмалари”даги каби амалга ошади. Қисман суюқлик ва механик аралашмалардан тозаланган нотоза табиий газ Т-1201 ҳарорат алмашловчини қувур ичи оралиғига узатилади. Т-1201 ҳарорат алмашловчида қуритилган нотоза газни паст ҳарорати ҳисобига газ ҳарорати $+25\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача совуйди. Т-1201 ҳарорат алмашловчида $+25^{\circ}\text{C}$ гача совуган нотоза табиий газ иккинчи босқич ажратгичи С-1202 (сепаратор) га узатилади. У ерда ҳам худди С-1201 даги каби суюқлик томчилари ва механик аралашмалардан тозаланган нотоза табиий газ Т-1202 ҳарораталмашловчини қувур ичи оралиғига узатилади. Т-1202 ҳарораталмашловчида С-1203 дан келаётган паст ҳароратли қуритилган нотоза газни ҳарорати ҳисобига газ $0 \div +5^{\circ}\text{C}$ гача совуйди ва “редуцерлаш-штуцерлаш” қисмига узатилади

С-1201 биринчи босқич ва С-1202 иккинчи босқич ажртагичлари(сепаратор)да ўз солиштирма оғирликларига кўра ажралган газ конденсати битта қувурга бирлашиб, умумий конденсат қувурига тушади ва у ердан яна кўшимча тозалаш учун жуфт рақамли айирғич (разделител)ларга узатилади. Айирғич(разделител) да қисман газсиз(дегазация)ланган ва қатлам сувидан ажралган газ конденсати умумий конденсат қувурига тушиб, “конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси”га киришда ўрнатилган В-706 (274-позиция) қадолаш(усреднител) идишига узатилади. “Редуцерлаш-штуцерлаш “ қисмида ҳарорат тушиши натижасида газ таркибидаги намлик “гидрат” ҳосил қилишини олдини олиш мақсадида Т-1202 ҳарораталмашловчига нотоза табиий газ киришига махсус форсункалар орқали 80% лик диэтилглицоль (ДЭГ) пуркалади (қурилма бўйича ДЭГ сарфини ўртача меъёри ОАЖ “Нефтьгазтадқиқот” ҳисоби бўйича $28,6\text{ г/м}^3$ қилиб белгиланган.).

ДЭГ ни физика кимёвий хоссалари:

-ташқи кўриниши

– рангсиз суюқлик;

-суда эриш миқдори
эрийди;

-кимёвий формуласи

-молекуляр оғирлиги

-зичлиги

-қайнаш ҳарорати 760 мм (Hg) симоб устунида

-парчаланиш бошланиш ҳарорати

-музлаш ҳарорати

-эриш ҳарорати

-ҳавода алангаланиш ҳарорати

-20°C да қовушқоқлиги

-барча нисбатларда

-(HO-CH₂CH₂)₂O; (C₄H₁₀O₃);

- 106,12;

-1,116÷1,118 г/см³;

-245°C;

-161,5°C;


- минус 8°C;

-10,1°C;

-350,5°C;

- 35,7 сП;

С-1203 ажратгич(сепаратор)ида газни кириши ва чиқишида ўрнатилган махсус курилма элаклар ёрдамида суюқликдан тозаланган ва қурилган нотоза табиий газ 50-52кгс/см² босим ва 45-50°C ҳарорат билан “газни цеолит ёрдамида олтингурутдан тозалаш” курилмаси блокларига узатилади.



Лойиҳачи ташкилот

(Саратов шахри)

Маҳсулот бўйича қуввати

Ишга тушган йиллари

ВНИПИ газқазиб чиқариш

19 млрд. м³

1980-1995 й.й.

	Бир кеча-кундузда		Бир йилда	
	ПХАҚ-1/2	ПХАҚ-3/4	ПХАҚ-1/2	ПХАҚ-3/4
Табиий газ	21 млн. м ³	36 млн. м ³	6,2 млрд. м ³	12 млрд. м ³
Технологик тармоқлар сони	7	9	-	-
Диэтиленгликол (ДЭГ)	1060,5 кг	1029,6 кг	313,0 тн.	343,2 тн.


Конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси ҳақида

-биринчи навбати-1986 йилда ишга туширилган;

-иккинчи навбати -1992 йилда ишга туширилган;

Конденсатни барқарорлаштириш қурилмасига конденсат 30-33 кгс/см² босим ва 25-30 °С ҳарорат билан узатилмоқда. Қурилмада лойиҳа бўйича биринчи навбатида 2 та, иккинчи навбатида 2 та технологик тармоқ бўлиб ҳар бирини қуввати-25,0 тн./соатга тенгдир. “Газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси”, “Шўртан сиқув компрессор станцияси” (Шўртан СКС)га киришдаги ажратгичларда ажралган ва газни ”Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари -1/4 навбати”да ажратиб олинган газ конденсатини қайта ишлашга мўлжаллангандир. Газ конденсати таркибида асосий карбонсувчилардан ташқари водород сульфид (H₂S), карбонат ангидрид (CO₂) ва азот (N₂) ҳам мавжуддир К-701 “диэтанизатор”да 19 кгс/см² босим, паст қисмида ҳарорат T_{низ.} =260°С; юқори қисмида T_{верх.} =30°С ҳарорат билан нобарқарор газ конденсати “ректификация” жараёни натижасида, кенг зарралар(широкий фракция)га ва карбонсувчил(углеводород)ли енгил газларга метан (CH₄), этан (C₂H₆) га, карбонат ангидрид (CO₂)га, водород сульфид (H₂S) ва оғир карбонсувчил(углеводород)ларга ажралади.

Енгил карбонсувчил(углеводород)ли газлар машаълага ташланади, колоннани пастки қисмидаги карбонсувчил(углеводород)ли фракциялар К-702 барқарорловчи (стабилизатор) учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.



2-расм Конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси (КБК.)

Лойиҳачи ташкилот

ВНИПИ газдобыча (Саратов

шаҳри)

Маҳсулот бўйича лойиҳавий қуввати

4 технологик тармоқ 800 минг.т./ йил;

(25 т/соат дан ҳар бири)

Қурилмани асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти барқарорлаштирилган газ конденсати ва ёрдамчи маҳсулот пропан-бутан аралашма (ПБФ)си саналади.

Қурилма 4 та паралелл ишловчи технологик қаторлардан ташкил топгандир.

Хом ашё ва маҳсулотларни сарф кўрсаткичлари:

Маҳсулот номи

Бир кеча -кундузда

Бир йилда

Хом ашё нобарқарор конденсат 2400 тн.

800 минг т.

Суюлтирилган газ (ПБФ)

битта технологик тармоқ учун 25,0 тн.

8,0 минг т.

Цеолит ёрдамида газни олтингугурт тозалаш қурилмаси ҳақида

-I блок 1985 йилда ишга туширилган;

-II-III-IV блоклар 1987 йилда туширилган;

-V блок 1997 йилда ишга туширилган;

Ҳар битта блокни тозалаш қуввати лойиҳа бўйича 500 минг м^3 /соатни ташкил этиб, жами газ тозалаш қуввати 2 500 минг м^3 /соатни ташкил этади. Қурилмадаги ҳар бир блокни йиллик газ тозалаш қуввати 4,0 млрд. м^3 /йилни, цех бўйича жами газ тозалаш қуввати эса 20,0 млрд м^3 /йилни ташкил этади.

Табиий газни олтингугуртдан тозалаш **Кальций А (СаА)** русумли цеолит ёрдамида, олтингугуртни селектив ажратиб олишга асосланиб, адсорбцион усулда амалга оширишга мўлжалланган.

Табиий газ “Паст ҳароратли ажратиш қурилмалари 1-4 навбати” (ПХАҚ-1/4) дан 48-52 кгс/см² босим ва 45-50°C ҳарорат билан блоklarга киришда ўрнатилган икки параллел ишлаётган Е-1/1,2 сепараторлари орқали цеолит адсорберларига киради. Е-1/1,2 да сепарацияланган газ олтига параллел ишлаётган адсорберларга тепадан пастга йўналтирилган ҳолда узатилади ва бу ерда кам олтингугуртли газ олтингугурт ва намликдан тозаланади. Олтига адсорберда тозаланиб - қуририлиб чиққан табиий газ, цеолит чангларида тозаланиш учун Ф-1 филтрларига узатилади.

Филтрлаш қисмидан чиққан тозаланган газ, $P=52$ кгс/см² босим ва $t=60^\circ\text{C}$ ҳарорат билан тоза газ умумий қувурига тушади ва “Пропан бутан аралашмаси олиш қурилмаси” га узатилади.

Адсорбентларни совутиш ва регенерациялаш, тоза газ умумий қувуридан тескари олинган газ қувурлари билан амалга оширилади.

Тайёр газ умумий қувуридан олинган газ совутиш газ $Q=65$ минг. м^3 /соат сарф, $P=52$ кгс/см² босим, $t=60^\circ\text{C}$ ҳарорат билан, совутилиши керак бўлган адсорберга узатилади. Адсорбердан ўтишда совутиш газ, бошланишида 300°C гача, циклни охирига келиб 100°C гача қизийди ва иссиқ совутиш газ умумий қувурига тушади. Теплообменник печ П-1 га кирувчи совутиш газ ҳароратини ўзгаришини тенглаштириш учун хизмат қилади. Бу эса печкада

иссиқликни барқарор бўлишини таъминлайди. Печкани “змеевик”ларида 320-340°С гача қиздирилган газ, регенерация газини умумий қувурига тушади ва у ердан регенерация қилиниши керак бўлган адсорберга узатилади. Адсорбердан ўтишда газ водород сульфид(H_2S) ва сув буғлари билан тўйинади, ҳамда 300°С гача ҳарорат билан Ф-2-1 фильтрига ва у ердан Т-1-1,2 ни қувурлараро оралиғига узатилади. Кейин регенерация газини параллел уланган аэрохолодильник ХВ-1-1,2,3 ларда совутилиб, у ердан Х-1 сув билан совутгични, қувурлараро оралиғида қўшимча совутилади ва регенерация газини сепаратори Е-2 га узатилади. Е-2 сепараторидан кейин, 3% ҳажмийгача водород-сульфид (H_2S) га эга бўлган регенерация газини “Аминли эритма ёрдамида газни олтингугуртдан тозалаш қурилмаси” (АСО-1,2) -1,2 навбатига узатилади. Вақт бўйича адсорбция тугаганидан кейин, адсорберларни циклограммасига асосан, адсорберлар алмаштирилади.

Адсорберлар иккеллари қуйидагича амалга оширилади:

- | | |
|------------------|-------------|
| - адсорбция | - 9 соат; |
| - регенерациялаш | - 1,5 соат: |
| - совутиш | - 1,5 соат: |

Адсорберларни цеолит юклаш схемаси (пастдан-юқориға)

1 мм лик тешикли 2 қават сим тур;

- | | |
|---------------------------------|----------------------|
| -Ø 12 мм ли керамик шар | - 0,84 тн |
| -Ø 6 мм ли керамик шар | - 0,84 тн |
| -“Сека” фирмаси цеолити Цеолит | - Nк2С, Ø 3,2 - 1 тн |
| - “Сека” фирмаси цеолити Цеолит | -Nк 20С Ø 1,6 - 40 т |
| - “Сека”фирмаси цеолити Цеолит | -Nк 20С Ø 3,2- 27 тн |

Ø1 мм лик тешикли 1 қават сим тур;

- | | |
|----------------------------|---------|
| - Ø20 мм ли керамик шарлар | -1,5 тн |
|----------------------------|---------|

Газни олтингугуртдан цеолит ёрдамида тозалаш қурилмасидан чиққан регенерация газини 2/3 қисми, регенерация газини олтингугуртдан аминли эритма ёрдамида тозалаш қурилмаси (лойиҳавий қуввати - 1,9 млрд. м³/йил)

ни (АСО-2) 2-навбатига 46-48 кгс/см² босим ва 50⁰С ҳарорат билан узатилади (реламент бўйича бу кўрсаткичлар муносиб тарзда босим 47 кгс/см² ва ҳарорат 40-45⁰Сга тенгдир). Бу ерда ҳам регенерация газы худди аминли тозалаш қурилмасы (лойиҳавий қуввати 0,8 млрд. м³/йил) (АСО-1) 1- навбатидаги каби олтингугуртдан тозаланиб, ДЭГ ёрдамида қурилиб, тоза газ Шўртан-Келиф асосий газ қувурига узатилади.

Цеолит ёрдамида газни олтингугуртдан тозалаш қурилмасы ҳар бирида 8 тадан адсорбери бўлган 5 та блокдан иборат бўлиб **Кальций А (СаА)** русумли цеолит билан газ таркибидаги водород сульфидни адсорбцион усулда, селектив тарзда тозалашга мўлжаллангандир.

Тозаланган газда намлик бўйича шудринг нуқтасы минус 60⁰С тенгдир.

Битта блокни реагент ва ашёлар бўйича сарфи:

Ашёлар номи	Сарфи	Н ₂ S ни миқдори ,
	млн.м ³ /к-к	г/м ³
Хом ашё газыда	12	1,000
Тозаланган газда	9,84	0,007
Цеолит СаА	8 та адсорберда 600 тонна.	
Цеолитни ишлаш муддати	3 йил	

АСО-1,2 қурилмалари ҳақида


- АСО-1 қурилмасы -1985 йилда ишга туширилган;

- АСО-2 қурилмасы -1992 йилда ишга туширилган;

АСО-1 ни газ тозалаш лойиҳавий қуввати 0,8 млрд.м³/йилни, АСО-2 ни лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати 2,0 млрд, м³/йилни ташкил этади.

Регенерация газы цеолит қурилмасидан 4,0-5,0 МПа босим ва 70⁰С ҳарорат билан Н₂S ва СО₂ лардан тозалаш учун келаётган нотоза газ Е-1 нотоза газ сепараторидан ўтади. Е-1 да нотоза газдан механик бирикмалар ва суюқ (карбонсувчиллар) углеводородлар ажралади. Петон насадкалари билан

жиҳозланган К-1 да нотоза газ эритмаси билан учрашади ва у ерда H_2S ва CO_2 лар билан 25% ли ДЭА эритмаси орасида абсорбция жараёни кетади.



4-расим Амин ёрдамида олтигугуртадан тозалаш қурилмалари (АСО-1,2).

Лойихачи ташкилот ГИПРОГАЗООЧИСТКА (Москва шаҳри)

Газ бўйича лойиҳавий қуввати АСО - 1 0,8 млрд.м³/йил

АСО - 2 2 млрд.м³/йил

АСО-1,2 курилмалари газни цеолит ёрдамида олтингугуртдан тозалаш курилмаси блокларидан келаётган регенерация газини абсорберда диэтаноламин (ДЭА) эритмаси билан аралашуви ҳисобига водород сульфид (H_2S) ва карбонат ангидрит (CO_2)дан тозалашга мўлжалланган.

Иккала қурилмани ҳам ишлаши бир хил бўлиб фақат қуввати билан фарқ қилади.

Реагент ва ашёларнинг сарф миқдорлари:

2.2-жадвал

Модда номи	Бир кеча-кундузда		Бир йилда	
	АСО-1	АСО-2	АСО-1	АСО-2
Регенерация газлари	1,44 млн.м ³	3,84 млн.м ³	0,48 млрд.м ³	1,40 млрд.м ³
ДЭА	195,0 кг.	520,0 кг .	65,0 тн.	189,0 тн.


Тажриба синов олтингугурт олиш қурилмаси ҳақида

олтингугурт олиш қурилмаси 1996 йилда ишга туширилган;

Олтингугурт олиш қурилмаси (лойиҳавий қуввати олтингугурт бўйича - 14,0 минг тн/йил) да тўғридан–тўғри оксидлаш йўли билан газ таркибидаги олтингугурт ажратиб олинади.

Тажриба синов олтингугурт олиш қурилмаси АСО-1,2 қурилмасидан келаётган нордон газларни “тўғридан тўғри” оксидлаш усули билан соф олтингугурт олишга мўлжалланган.


Қурилмани афзаллик жиҳати шундаки, қурилма газ таркибидаги водород сульфид(**H₂S**) - ни ўзгарувчан миқдорида ҳам ишлай олади. Қурилмани ишлаб чиқариш технологик тарҳига асос қилиб, катализатор юзасида **180-320°C** ҳароратда водород сульфид (**H₂S**) билан берилаётган ҳаво таркибидаги кислородни тўғридан–тўғри олтингугуртгача оксидлаш ҳисобига амалга ошириш принципи асос қилиб олинган, яъни:



Нордон газ таркибидаги **H₂S** ни миқдори **5%** дан **20%** гача ўзгаради.

Нордон газ $Q=14\text{мингм}^3/\text{соат}$, $P=0,5\text{кгс/см}^2$, $t=50^\circ\text{C}$, катталиклар билан олдин **30Е-1** ажратгичидан (сепаратор) ўтади ва у ерда суюқлик томчиларидан тозаланиб, **30П-1** қиздирувчини ўтхонасини I босқичига ўтади. Қиздириш ёқилғи газни билан маҳсулотни аралашуви ҳисобига амалга

оширлади. Реакция учун ҳаво ($Q=1,4$ минг.м³/соат), ҳаво ҳайдовчи орқали **30P-1** конвертордан олдин берилади. Конверторни каталитик қисми (зона)да ҳарорат реакцияни иссиқлиги ҳисобига **320°C** гача кўтарилади, **30КУ-2** дан кейин технологик газ, газ билан кетаётган олтингугурт заррачалардан тозаланиш учун **30E-2** олтингугурт ушловчига тушади, кейин қолдиқ водород сульфид(H_2S)ни, SO_2 гача ёқиш учун, ёқиб юбориш печига узатилади. Бу ерда ёқиш учун ёқилғи газини ёқиш ҳисобига ҳарорат **600°C** гача ҳосил қилинади. Тутун чиқиш муриси **30Д-1** ни ҳимоялаш учун, тутун газларни ҳарорати атмосфера ҳавосини кўшиш ҳисобига **400-450°C** гача туширилади. Олтингугурт идишидан олтингугурт, зарурат бўлганда олтингугурт сақлаш майдончасига, форсункалар орқали ҳайдалади ва у ерда қотиб каттиқ олтингугуртга айланади.



5-расм Тажриба–синов олтингугурт олиш қурилмаси.

Лойиҳачи ташкилот

ГИПРОГАЗООЧИСТКА (Москва шаҳри).

Маҳсулот бўйича лойиҳавий қуввати

14 минг тн./йил, (42 тн./к-к)

Ишга тушган йили

1996 йил

Тажриба синов олтингугурт олиш қурилмасида Реагентларни сарф миқдори

Катализатор А-998 Ti_2O (Хитой) 135 тн. 2 йил ишлаганда бир марта

Пропан Бутан аралашмаси олиш қурилма (ПБАОҚ)лари ҳақида

-ПБАОҚ 1-навбати 1997 йилда ишга туширилган;

-ПБАОҚ 2-навбати 2007 йилда ишга туширилган;


-ПБАОҚ 3-навбати 2008 йилда ишга туширилган;

-ПБАОҚ 4-навбати 2008 йилда ишга туширилган;

Қурилмаларнинг ҳар бирини газ бўйича лойиҳавий қуввати 3,0 млрд.м³/йилни ташкил этади.Шунингдек корхонада суюлтирилган газ яъни пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмаси биринчи ва иккинчи навбатлари ҳам бўлиб, бу қурилмага газни олтингугуртдан цеолит ёрдамида тозалаш қурилмасини I-IV ва V блокларидан чиққан тоза газни чиқиши ушбу қурилма киришига улангандир. ПБАОҚ қурилмалари тозаланган газни паст ҳароратли конденсациялаш усулида пропан-бутан аралашмасини олишга мўлжалланган. Жараён “трубодетандерда” кираётган газни кенгайиши ва “конденсациялаш” усули ҳисобига амалга оширилади. Бу ерда қўшимча равишда яна конденсат ҳам ажратиб олинади. Газни олтингугуртдан цеолит ёрдамида тозалаш қурилмасидан тозаланиб чиққан табиий газ шудринг нуқтаси намлик бўйича минус 70°C, 44-46 кгс/см² босим, 45-52°C ҳарорат билан қурилмага пропан-бутан аралашмаларини ажратиб олиш учун киради.

“Трубодетандер”да газ 4,6 МПа босимдан 2,9 МПа гача кенгайиб ҳарорати минус 76,5°C гача пасаяди ва кейин С-1 даги суюқ маҳсулот билан аралашиб минус 74,4°C ҳарорат билан С2 ажратгичи (сепаратор) га тушади. С-2 даги суюқлик Т-4 ҳарорат алмашловчи қувурларида t= -3°C гача қизийди

ва қисман парланиши ҳисобига табиий газни қиздиради. Кейин бу оқим **К-1** этан минорасига маҳсулот сифатида узатилади.



6- расим Пропан бутан олиш қурилмаси (ПБОУК)-1-4-навбати

Лойиҳачи ташкилот ЛенНИИхиммаш (Санкт-Петербург шаҳри)

Маҳсулот бўйича қуввати 3 млрд.м³/ йил (375 минг. м³/соат)

Ишга тушган йили 1-навбат-1997 й, 2-навбат-2007 йил
3-4-навбати-2008 йил

Пропан бутан олиш қурилмаси тоза таркибидан пропан-бутан аралашмаларини паст ҳароратли кондесациялаш усулида ажратиб олишга мўлжаллангандир. Жараён табиий тоза газни труבודетандерга киришида кенгайиш самараси, қисман совутиш ва кондесациялаш ҳисобига, конденсатни ректификациялаш билан амалга оширилади

2. Корхонадан чиқинди чиқараётган цехларни таҳлили

Корхонага қарашли 18 та ёрдамчи хужаликда ва 35 та ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга мўлжалланган манбалардан 27 турдаги чиқинди чиқади.

Корхонадан уч хил куринишдаги чиқинди чиқади. Каттик, суюк, газ ҳолдаги чиқиндилар.

1. Паст ҳароратли ажратиш қурилмаси (1-2 бўлим0 (НТС1-2 очред)

Бу бўлим 1980-1982 йилда ишга тушурилган бўлиб қурилма 6.3 млрд м³/й

ДЭГ нинг газга пуркалган қисми яъни бир йилда 150тонна ДЭГ пуркалса ушбу ДЭГ нинг 30% Оқова сувларни тозалаш иншоотиға кетади. Паст ҳароратли ажратиш қурулмасидан бир йилда 84 Т/й қора металл 0,155 Т рангли металл чиқинди ҳолда чиқади.

1. Паст ҳароратли ажратиш қурулмаси.

Ушбу қурулмалар 1985-1986 йиллар ишга тушурилган.

3-4 бўлимни газ тозалаш қуввати 12,5 млрд м³/й ушбу бўлимдан бир йилда 106,4 т/й қора металл 0,265 кг рангли металл чиқади. Атмосфераға чиқарадиган Огневой яъни газни қизитиб берувчи қурулма орқали чиқадиган газлар:

$$M_{CO}=100.324247 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_2}=2,816102 \text{ т/й}$$

$$M_{CH_4}=52.802239 \text{ т/й}$$

$$M_{NO}=704041 \text{ т/й}$$

$$M_{SO_2}=1,628992 \text{ т/й}$$

$$M_c=0,141502 \text{ т/й}$$

Газ чиқиндисини атмосфераға ташлайди.

2) Конденцатни барқарорлаштириш цехи.

Лойиҳавий қуввати 792 млн т/й

Печкаға 140 м³/соат газ ёқади

а) Каттик чиқинди –қора метал 93 т/й

- рангли метал -0.202 т/й

в) газ ҳолдаги чиқинди печ орқали

$$M_{CO}=8,167887 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_2}=13,572653 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_x}=16,965863 \text{ т/й}$$

$$M_{SO_2}=1.863588 \text{ т/й}$$

2.1 Факел орқали атмосфераға ташланаётга газлар 18175000м³ /й газ атмосфераға ёқади.

Шундан атмосфераға ташланаётган газлар

$$M_{CO}=801.843986 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_2}=22.507905 \text{ т/й}$$

$$M_{CH_4}=422,023172 \text{ т/й}$$

$$M_{NO}=5,626968 \text{ т/й}$$

$$M_{SO_2}=27,74666 \text{ т/й}$$

$$M_c=1,130944 \text{ т/й газ ташлайди}$$

3) Цеолит ёрдамида газни олтингугуртдан тозалаш қурилмаси газни олтингугуртдан тозалаш қурилмаси

Газ тозалаш қуввати 20 млрд /м³ га тенг

А) қаттиқ чиқинди

-қора метал 40 т/й

-рангли метал -0.042 т/й

Цеолит 1200 т/й чиқади

Б) газ ҳолдаги чиқинди. Печ орқали

Печ 600 м³ соатига газ ёқади 4.8 млн м³/ йгаз ёқади. Шундан атмосфера чиқинди ҳолдаги газлар миқдори

$$M_{CO}=21.312 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_x}=44.268134 \text{ т/й}$$

$$M_{CH_4}=422,023172 \text{ т/й}$$

$$M_{NO}=58.853581 \text{ т/й}$$

$$M_{CH_4}=2.1312 \text{ т/й}$$

$$M_{NO_2}=35.41455 \text{ т/й}$$

$$M_{SO_2}=1.215677 \text{ т/й}$$

3.1 факел орқали атмосферага ташланаётган газлар

18175000 м³/ й газ атмосферада ёқилади.

